

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Х У К М.

2024 йил октябрь ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Қўрғонтепа туман суди, суд биносида видеоконференц алоқа режимида ўтказилган очик суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Н.Парпиев, судья ёрдамчиси Н.Тўланованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўрғонтепа туман прокурори ёрдамчиси А.Турғунов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат Т.Исмоилов, жабрланувчи А.Хосиловаларнинг иштирокида, [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 2-қисми билан айбланиш ҳақидаги 1-1709-2401/257-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1987 йил 03 сентябрда Наманган вилояти Чуст туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, мукаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос ШФЙ, Бирлик МФЙ, Ёш авлод кўчасида яшайди, жиноят иши бўйича 27.09.2024 йил кунидан “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 30 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] 2024 йил 28 июль куни соат 14:00 ларда бошқарувида бўлган “Дамас” русумли 50 В 826 SA давлат рақам белгили автомашинасини тегишли ҳужжатлар асосида Қўрғонтепа туман Навбахор МФЙ ҳудудидан ўтган Савай-Қўрғонтепа транспорт қатнов йўлининг Савай йўналишида бошқариб кетаётган, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг: 12-бандида “ҳайдовчи автомашинани йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш таъқиқланади”; 77-бандида “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт



воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриш шарт”; деб кўрсатилган қоидаларини кўпол равишда бузиб, ўта чарчоқ ҳолатда ухлаб қолиши оқибатида йўлдан чиқиб кетиб йўлнинг ўнг четидаги дарахтга бориб урилиб йўл транспорт ҳодисаси содир қилиб, автомашина ичида бўлган вояга етмаган Қобилжонов Улуғбек Рахматилло ўғлининг оғир тан жароҳати олиб вафот этишига сабабчи бўлган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у 7-8 йилдан буён Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида ижрага ер олиб дехқончилик билан шуғулланиб келишини, 2024 йил баҳор ойларида Қўрғонтепа тумани Бирлик МФЙ ҳудудидан 3 гектар далалик ер майдони олиб, ушбу ер майдонига фермер билан шерикчилик асосида тарвуз эккани, сўнг ўша ерга қапа тикиб оила аъзолари билан кўчиб боришгани, 2024 йил ёз ойларида тарвуз пишиғи бошлангани, бу йил тарвузлар кўпайиб нарҳи ҳам анча паст бўлганлиги сабабли тарвузларини юк машиналарига юклаб Андижон шаҳрига олиб бориб сотиб келиб юришгани, 2024 йил 27 июль куни тушликдан сўнг тарвуз экилган майдонига юк машинаси олиб келиб тарвузларни Андижон шаҳрига олиб бориб сотиб келиш мақсадида ўғли Улуғбек билан кечга қадар тарвузларни машинага юклаб ортишгани, сўнг соат 23:00ларла катта ўғли Улуғбек тарвузлар ортилган юк машинасига ўтириб Андижон шаҳрига кетишгани, ўша куни ўзи ҳам алламаҳалгача ухламасдан юриб орада бироз дам олиб, эртаси куни эрталаб соат 05:00ларда “ўғлим бир ўзи қийналмасин ҳамда қайтишда ўзим билан бирга олиб келаман” деб ўзига тегишли бўлган давлат рақами 50 P 826 SA бўлган “Дамас” русумли автомашинасида Андижон шаҳрига кетгани, сўнг ўғли билан бирга тарвузларни сотиб соат 9, 10 ларда автомашинасида Қўрғонтепа туманига қараб йўлга чиққани, сўнг тушлик вақтга яқин Қўрғонтепа туманига кириб келиб, ёнғоқзор деган жойга етишганида ўғли олди ўриндиқда бўлгани, шунда унга турмуш ўртоғи кўнғироқ қилиб “келяпсизларми?” деб сўрагани, шунда ўғли Улуғбек онасига етиб қолишганини айтгани, сўнг у жудаям хорғин чарчоқ ҳолатида автомашинасини бошқариб келгани, катта йўлда атрофида ҳеч қандай автомашина йўқ ҳолатда, йўлнинг иккала томонида тут дарахтлари мавжуд ҳолатда йўлда кетаётган жойигача эсидалиги, қолган нарсалар ҳозирда эсида йўқлигини, кейинчалик ўзига келганидан сўнг билса ўша вақтда у машинада ухлаб қолиб йўлнинг ўнг четидаги ариққа тушиб тут дарахтига урилиб автохалокатга учраганини билганини, ўша вақтда йўловчи автомашиналар уларни кўриб қолиб, машинадан чиқаришиб шифохонага жўнатишган экани, кейин эса 8 кундан сўнг машинада бўлган ўғли Улуғбек жароҳати оғир бўлганлиги сабабли шифохонада вафот этганлигини билганини, ўзи ҳам анча вақтгача хушсиз ҳолатда ётганини, ҳозирда ҳам ахволи оғир ҳолатда эканини, қилган ишидан пушаймонлиги, унга енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.



Жабрланувчининг қонуний вакили А.Хосилова судда, мархум У.Қобилжонов фарзанди бўлишини, Р.Хосилов турмуш ўртоғи бўлишини, у билан турмушлари давомида 2 нафар фарзандли бўлишгани, турмуш ўртоғи анча йиллардан буён дехқончилик билан шуғулланиб келишини, у 7-8 йилдан буён Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидан ижарага далалик ер майдони олиб дехқончилик қилиб келишини, ўзи ҳам фарзандлари билан бирга ҳар йили турмуш ўртоғи билан бирга кўчиб келиб дехқончиликка ёрдам бериб келишларини, 2024 йил баҳор ойларида турмуш ўртоғи Р.Хосилов Қўрғонтепа тумани Бирлик МФЙ ҳудудидан 3 гектар ер майдонини ижарага олиб шерикчилик асосида тарвуз эккани, ўзи ҳам фарзандлари билан бирга далалик майдонига қапа тикиб, ўша жойга турмуш ўртоғига ёрдамлашиб қаралашиш учун кўчиб келишгани, яшаш хонадонига бир ойда бир бориб келиб юришгани, ёз ойлари охирига келиб тарвуз пишиғи бошлангани, бу йил тарвуз нарҳи тушиб тарвузга талаб кам бўлганлиги сабабли турмуш ўртоғи тарвузларни экин майдонидан юк машинасига юклаб Андижон шаҳрига бориб сотиб келиб юргани, 2024 йил 27 июль куни тушликдан сўнг катта юк машинасига катта ўғли мархум Улуғбек кечга қадар тарвузларни машинага ортишиб, соат 23:00ларда ўғли Улуғбек ўша автомашинада тарвузларни сотиб келиш мақсадида Андижон шаҳрига кетишгани, турмуш ўртоғи ҳам ўша куни кечга қадар ишлаб эртаси куни эрталаб соат 05:00ларда ўғли Улуғбекка қаралашиб қайтишда ўзи билан бирга олиб келиш мақсадида ўзининг “Дамас” русумли автомашинасида чарчаган ҳолатда Андижон шаҳрига кетгани, ўша куни 28 июль куни тушликдан сўнг ўғли ва турмуш ўртоғи қайтишяптимикин деб ўғли Улуғбекка кўнғироқ қилганида, у Қўрғонтепа туманига етиб келишганликларини, ёнғоқзордан бурилишаётганлигини айтгани, сўнг Улуғбек телефонда келишганликларига оз қолганлигини айтган бўлсада анча вақтгача келишмагани, сўнг орадан бир қанча вақт ўтиб бегона рақамдан кўнғироқ бўлиб, ўзини ИИБ ходими эканлигини айтиб таништириб турмуш ўртоғи ва фарзанди келаётган “Дамас” автомашинаси йўл бўйидаги ариққа тушиб, тут дарахтига урилиб автоаварияга учраганлигини, ҳозирда иккиси ҳам шифохонада эканликларини айтгани, шунда дархол шифохонага етиб борганида, иккисининг ҳам ахволи оғир ҳолатда бўлгани, орадан 8 кун вақт ўтиб ўғли Улуғбек жароҳати оғир бўлганлиги сабабли шифохонада вафот этгани, турмуш ўртоғи ҳам анча вақт хушсиз ҳолатда ётгани, хушига келганида ундан бу ходиса қандай юз берганлигини сўраганида, ўша кунги ҳолатни тўлиқ эслай олмаётганлигини лекин ўша куни Андижон шаҳридан жуда ҳам чарчаган ҳолатда келганлигини, Қўрғонтепа тумани келганидан сўнг дала томонга бурилиб ҳаракатланиб кетаётган вақтда атрофида ҳеч қандай машина бўлмаганлигини, ўша вақтда ухлаб қолиб йўл четидаги дарахтга бориб урилганлигини айтиб бергани, ушбу ҳолат натижасида фарзанди Улуғбек вафот этган бўлсада, ҳозирда турмуш ўртоғи Р.Хосиловга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд судланувчи [REDACTED] ҳаракатлари квалификация масаласини муҳокама қилиб, тергов органи уни транспорт воситасини бошқариб, транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини бузиб, одам ўлимига сабабчи



бўлганликдаги ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-модданинг 2-қисми билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи [REDACTED] айби ўзининг суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан пушаймон бўлиб берган кўрсатувлари, жабрланувчининг кўрсатувлари, иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертиза хулосалари, жиноят иши бўйича йиғилган ва судда қайта текширилган ёзма далиллар йиғиндиси билан ҳам тўлиқ исботланади деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги Қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инobatга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддаси 2-қисмида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд юқоридаги Конституция, Қонун талаблари ва Олий Суд Пленуми Қарордаги тушунтиришларни эътиборга олиб, судланувчи [REDACTED] шахсини, муқаддам судланмаганини, айбига иқроор ва қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида 1 нафар фарзанди борлигини, жабрланувчининг моддий ва маънавий зарарлар ҳусусида даъвоси йўқлигини, йўл-транспорт ходисаси натижасида ўзинининг фарзанди вафот этганини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди, уни ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблайди ва судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, уни муқаддам судланмаганлиги, жабрланувчини унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва



маънавий зарарлар хусусида даъвоси йўқлигини, ходиса натижасида ўз фарзанди вафот этганини эътиборга олиб, унга нисбатан модда санкцияси доирасида муайян ҳуқуқдан, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, уни тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро қилмасдан ҳулқини назорат қилиш йўли билан ҳам қайта тарбиялаш мумкин деган қаръий фикрга келиб унга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ЖКнинг 72-моддаси тартибида шартлига алмаштиришни ва синов муддати белгилашни ва унга нисбатан мажбуриятлар юклашни лозим топади.

Суд жабрланувчи А.Хосиловани судланувчи [REDACTED] моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақида даъвоси йўқлигини эътиборга олишни лозим топади.

Суд юқоридагиларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддалари талабларига риоя қилиб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 2-қисми билан 1 (бир) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартлига алмаштирилсин ва унга 1 (бир) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати 2024 йил 23 октябрдан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED] синов муддати давомида, вақти-вақти билан ҳулқини назорат қилувчи органдан рўйхатдан ўтиб туриш, яшаш жойи ўзгариб қолганда бу ҳақида ҳулқини назорат қилувчи органга хабар бериш мажбуриятлари юклатилсин.

[REDACTED] синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд уни ҳулқини назорат қилувчи орган тақдимномасига биноан жазони шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги тушунтирилсин.

[REDACTED] нисбатан тайинланган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмни ижро қилиш ва [REDACTED] ҳулқи устидан назорат олиб бориш Наманган вилоят Чуст туман ИИБ зиммасига юклатилсин.



Белгиланган синов муддати давомида жазони шартлилигини бекор қилиш асослари келиб келиб чиқмаса тайинланган жазо ижро этилмасин.

■ нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.Хосилованинг моддий ва маънавий зарарлар ундириш борасида даъвоси йўқлиги эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган пайдан, судланувчи, жабрланувчи эса, ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида, шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга, апелляция тартибида шикоят, протест берилмаган тақдирда, ҳукм қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят келтиришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

имзо

Н.Парпиев.

Ҳукм нусхаси аслига тўғри.

Туман судининг раиси:

Н.Парпиев

